Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

# *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 892
«04» 10 2019 йил

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ўзбекистон Миллий университети.
- ЎзР ФА Зоология институти
- Гулистон Давлат университети

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «17» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | ***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** **бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи..........................................................................................** | |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ......……………………….....................…......... | |
| 1.2. | *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи........................................................................................... | |
| **2.** | ***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** **таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар..........................** | |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.............................................................................................. | |
| 2.2. | *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари.................................................... | |
| **3.** | ***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** **бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.......................................................................................** | |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.............................................................................................. | |
| 3.2. | Малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар...................... | |
| 3.3. | *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми............................................................................................... | |

## 1. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* бакалавриат таълим йўналишининг тавсифи

*5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, уни назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат (лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режаси ва фан дастурда кўзда тутилган ўқув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ малака даражаси**

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурлари | Бакалавр | 4 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича*) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича*) таълим йўналиши** – фан соҳасидаги бакалавриат таълим йўналиши бўлиб, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, ўрта, ўрта махсус касбий таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида комплекс масалаларни ечиш.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таьлим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

**1.2.2. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича*) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- локал, регионал, миллий ва глобал табиий, антропоген, табиий-хўжалик, экологик-иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб-чиқариш системалари, барча турдаги хўжалик фаолияти экологик таркибий қисмларининг бошқарилиши, назорати, мониторинги, таълим, маориф ва аҳоли саломатлиги, демографик жараёнлар, барча даражадаги барқарор ривожланиш дастурлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича муаммолар.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таьлим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича*) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида;
- табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларда;
- ер ресурслари, давлат кадастри ва картография давлат қўмиталарида;
- қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги идоралар ҳамда «Экохаракат» республика ва вилоят бўлинмаларида;
- экологик туризм ва сервисни республикамизда ривожлантиришга йўналтирилган идора ва ташкилотларда;
- ишлаб чиқариш корхоналарида;
- экологик йўналишдаги нодавлат ташкилотлари ва давлат бошқаруви идораларида комплекс масалаларни ечиш.

**1.2.3. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича*) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- *илмий-тадқиқот;*
- *лойиҳа-технологик;*
- *сервис хизматини кўрсатиш;*
- *ишлаб чиқариш-технологик;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қуйидаги:

– *5А630101 – Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича);*

– *5А630102 – Экология (тармоқлар бўйича);*

– *5А630103 – Саноат чиқиндиларини тозалаш (рекуперация);*

– *5А630104 – Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва оқава сувларни тозалаш* мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда тармоқ ИТИларида мустақил изланувчи сифатида илмий – тадқиқот олиб бориши мумкин.

## 2. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

**Бакалавр:**

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

--хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича маистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, экологик безарар ишлаб чиқариш хамда оқова сувлар ва чиқиндиларни тозалаш технологияларини амалиётга татбиқ этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлар мажмуаларини амалга ошириш бўйича ташкилий ишларда иштирок этиш;

экология ва атроф муҳит муҳофазасига оид илмий ва илмий-техник маълумотларнинг ўрганиш ва тахлил қилиш;

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда ва уни бажаришда бевосита иштирок этиш;

мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган малумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Лойиҳа-технологик фаолиятида:**

табиий ресурслар, уларнинг таркиби, физик-механик ва кимёвий хоссалари, маҳсулотларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари, моддий баланс, ишлаб чиқариш режимлари ва нормалари, ишлаб чиқаришнинг асосий (технологик) ва ёрдамчи жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишни амалга ошира олиш;

намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятлар, воситалар, тизимларни такомиллаштириш;

экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий услубларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

чиқиндилар ва оқова сувларни тозалаш ва қайта ишлаш услуб ва технологиялари, лойиҳаларини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

соҳага оид илмий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиий муҳит компонентларига таъсир этувчи фаолиятларнинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш жараёнларини ўтказиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:**

намунавий чиқиндисиз технологик жараёнларини билиши ва уларни қўллаш;

тозалаш иншоотларини лойихалаш, уларнинг ишини ташкил этишда замонавий технологик жараёнларни татбиқ этиш;

табиий ресурслардан фойдаланишга асосланган ҳамда фаолияти доирасида атроф муҳит компонентларига таъсир этувчи ишлаб чиқариш корхоналарида белгиланган тартибда фаолият кўрсата олиш;

инсон соғлигини ва унинг ишчанлик кобилиятини сақлаш ҳамда меҳнат жараёнида хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ижтимоий-экологик муаммолар тенденциясини чуқур таҳлил қилиш, инновацион технологиялар ва экологик новациялардан кенг фойдалана олиш;

ишлаб чиқаришда меҳнат ва экологик ҳавфсизлик бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни бажарилишини таъминлашда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тадбирларини амалга оширишни режалаштириш;

табиат ва унинг ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва самарадорлигини баҳолашда замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилишда чиқиндиларнинг меъёрий талаб нормаларига ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва назорат қилиш;

соҳага оид инновацияларни амалиётга татбиқ қилишни ташкил этиш;

ишлаб чиқариш шароитларида атроф мухитга кўрсатиладиган таъсир жараёнлари ва даражаларини бахолаш;

ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

фикрлар хар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш фаолияти бўйича иш режасини тузиш, бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини таъминлаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида:**

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

ўқув фанларини ўқитиш услубиётини эгаллаш;

замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши керак***

## 3. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга

олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар ҳамда иш берувчилар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва кархоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва табиий илмий фанлар блоки бўйича:**

***Гуманитар фанлари бўйича:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

***Табиий илмий фанлар бўйича:***

– математик таҳлил, аналитик геометрия, чизиқли алгебра, комплекс ўзгарувчи функциялар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, дискрет математиканинг тушунча ва услубларини;

– моддаларни сифат ва миқдор анализ қилиш усулларини, коллоид заррачанинг тузилишини, уларнинг молекуляр-кинетик хоссаларини;

– органик бирикмаларни номлаш ва синтез қилишни, катион ва анионларнинг гуруҳларга бўлиб ўрганишни, гуруҳ реагентини;

– кимёвий моддаларни синтез қилишнинг лаборатория ва саноат усулларини;

– кимёвий бирикмаларнинг экологияга таъсирини;

– гулнинг келиб чиқишини, унинг тузилиши ва функцияларини;

– чангланиш хиллари ва аҳамиятини;

– уруғланиш механизмини;

– ўсимликларнинг кўпайиш биологиясини;

– ўсимликларнинг экологик гурухларини;

– юксак ўсимликларнинг асосий бўлимларини, уларнинг тузилиши ва аҳамиятини;

– тубан ва юксак ўсимликлардан вақтинчалик ва доимий препаратлар тайёрлай олиш;

– ўсимликларни ва ҳайвонларни турга қадар аниқлай олиш ва систематик ўрнини тўғри белгилай олиш;

– организмларни вегетатив ва генератив аъзоларидан кўпайтира олиш;

– олинган тажриба маълумотларидан диаграмма ва графиклар туза олиш ҳамда уларни математик таҳлил қила олиш.

– ўсимликларни морфологик ва анатомик белгиларига қараб системага солишни;

– табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида ***илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**Умумкасбий фанлар блоки бўйича талаблар:**

- фотосинтез экологиясини;
- экосистемаларнинг типларини;
- Ўзбекистонда муҳофаза қилинадиган худудларни;
- барқарор ривожланиш концепциясини;
- давлатимизнинг экологик сиёсатини;
- организмлар жамоасини ўрганишда экологик методлардан фойдалана олиш;
- атроф-муҳит экологик ҳолатини баҳолай олиш;
- экологик системаларни ўрганишдан олинган экспериментал маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қила олиш;
- биосферада амалга ошган геоэкологик ўзгаришларни диагностика қила олиш;
- сув ва сувдаги гидробиоценозлардан оқилона фойдаланиш йўлларини;
- Ер ва унинг асосий ўлчамлари: оғирлиги, шакли, ўлчамларини;
- иқлим минтақалари ва иссиқлик минтақаларини харитадан кўрсата олиш ва тавсифлаб бериш;
- эрозия ва кучиш жараёнларини туфайли тупроқларни ифлосланишини ва унга таъсир этувчи омилларни;
- тупроқларни чиқиндилар билан ифлосланишни салбий оқибатлари вауни келтириб чиқарувчи манбалар ва омилларни;
- Ўзбекистоннинг ўсимликлар қоплами ва улардаги ўзгариш жараёнларини;
- микроорганизмларнинг экологик ва систематик гурухларини;
- табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти фанининг тушунчаси, мақсади, вазифалари, принциплари, концепциялари, турлари каби илмий-назарий асосларини;
- табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш ва прогнозлаштириш йўлларини;
- республикамиз табиий ресурслар потенциали ва улардан иқтисодиётни ривожлантиришда оқилона фойдаланиш имкониятларини;
- сувларнинг тозалаш усулларини;
- эррозияга шўрланишга қарши курашни;
- табиий ресурслар классификациясини;
- тупроқлардан оқилона фойдаланиш усулларини;

биоресурслар ва қазилма бойликларни режалаштиришни;

- ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланишни режалаштириш;
- экомониторинг усулларини амалда қўллай олиш;
- экология ва биологогия фанларидан ўқув машғулотларини режалаштириш;
- Ўзбекистонда экологик туризм ривожланишининг асосий жиҳатларини;
- экологик хуқуқий муносабатлар;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий ҳолати каби масалаларни;
- биологик хилма-ҳилликни муҳофаза қилиш

– ўсиш ва ривожланиш даврида аъзолар тузилишининг ёшга оид хусусиятлари; қўзғалувчан тўқималар ва скелет-мускул тизимининг ёшга оид физиологияси ва гигиенаси;нерв тизимининг ёшга оид физиологияси ва гигиенаси; сенсор тизимлар ва олий нерв фаолияти физиологияси ва гигиенаси; эндокрин ва висцерал тизимларнинг ёшга оид физиологияси ва гигиенаси ҳақидаги билимларни эгаллаши керак.

– ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнида ёшга оид бошқарув стратегиясини қўллаш;адекват коммуникация малакаларини қўллаш;креативлик ва ижодийликни ўз касбий фаолиятида қўллай олиш компетенцияларини эгаллаши лозим.

**Ихтисослик фанлари блоки:**

Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим соҳасидаги талабаларининг касбий фаолиятига мувофиқ бутун жаҳон ва мамлакатимизда соҳадаги мавжуд муаммолар, эришилган ютуқлар ва соҳани ривожлантириш истиқболлари ҳақида тассавур ҳосил қилиши;

экология фанларидан билимларга эга бўлишини таъминлаш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича билим олишни таъминлаш;

иқлим ўзгариши ва экологик мослашув бўйича зарурий билимлар олишга имкон бериши;

талабаларда келажакда магистратура бўйича ўқишни давом эттириш учун Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассисликларни танлашга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиш зарур.

Ихтисослик фанларнинг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талаблари эътиборга олинади.

**Қўшимча фанлар блоки бўйича:**

бакалавр таълим соҳасидаги талабаларнинг бакалавриат умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

***Танлов фанлари*:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Илмий Кенгаши томонидан белгиланади.*

**Курс ишига қўйиладиган талаблар**

Курс иши мавзулари факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режада кўрсатилади. Курс ишлари белгилаган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

**3.2. Малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув ва ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарланганлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – танишув, ўқув, ўқув-дала, ишлаб чиқариш, педагогик ва битирув олди амалиётларини ўз ичига олади.

- ***Танишув, ўқув, ўқув-дала амалиётлари*** ўтказилганда – талабалар амалиёт ўтадиган жой ёки муассаса билан умумий тарзда танишадилар. Амалиёт натижаси ва ҳисоботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Касбий таълим йўналишларида талабалар ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳам танишадилар.
- ***Ишлаб чиқариш амалиёти*** талабаларни бевосита мустақил ишлашга тайёрлайди. Ўзлаштирган назарий билимларини амалда қўллаш кўникмаларини шакллантиради.
- ***Педагогик амалиёт*** умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими муассасаларида тўла педагогик циклни ўрганиш, ўқувчининг шахс портретини туза билиш, ўқув гурухи ичида социометрия ўтказа олиш, педагогик махоратини ошириш, ўқувчининг фикрлаш доирасини аниқлаш, унинг қобилиятини ошириш усулларини

қўллай билиш, педагогик мулоқотни баҳолай билиш ва шулар асосида ўз педагогик меҳнат фаолияти учун дастур ярата билиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

- ***Битирув олди амалиёти*** – битирув малакавий ишни тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга мўлжалланган.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши битирув олди амалиётининг бир қисмини ташкил қилиши мумкин.

### 3.3. *5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 28 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастури мазмуни олий малакали кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида таълим йўналиши бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

***5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқишга мўлжалланган бўлиб, қуйидаги вақт тақсимотига эга:

| | |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим | 114 |
| Малакавий ва педагогик амалиёт | 26 |
| Аттестациялар | 22 |
| Якуний давлат аттестацияси | 6 |
| Таътиллар | 36 |
| **Жами** | **204 ҳафта** |

Ўқитишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим - 56%;
малакавий ва педагогик амалиёти - 13%;
аттестациялар - 11%;
таътиллар - 17%
якуний давлат аттестацияси - 3%

Назарий таълим ҳажми “Гуманитар соҳаси” билим соҳасидаги фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - 25%;
умумкасбий фанлар блоки - 45%;
ихтисослик фанлар блоки - 24%;
қўшимча фанлар блоки - 6%.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002-651.1/7 Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

Экосистема, биогеоценоз, ценоз, ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар, биологик ҳилма-хиллик, популяция, тур, продуцентлар, консументлар, редуцентлар, литосфера, гидросфера, атмосфера, ландшафт, горизонтал структура, вертикал структура, чўл, адир, тоғ, яйлов, барқарор ривожланиш, табиатдан фойдаланиш, табиат муҳофазаси, ноёб турлар, камёб турлар, эндемизм, инсон экологияси, ижтимоий экология, экологик таълим, экологик тарбия, сув муҳити, ҳаво муҳити, тупроқ муҳити, экологик омиллар, биотик омиллар, абиотик омиллар, антропоген омиллар, максимум таъсирлар, минимум таъсирлар, сувнинг ифлосланиши, тупроқнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, шўрланиш, қурғоқчилик, иқлим ўзгаришлари, глобаллашув, минтақалар муаммолари, ичимлик сув, озон қатлами, экологик валентлик, экологик мониторинг.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Ректор____________**А.Р. Марахимов**

201_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Фанлар Академияси**

**Зоология институти**

Директор____________**Б.Р. Холматов**

201_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор ____________ **З.Ҳакимов**

201_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**Гулистон давлат университети**

Ректор______________ **М.Т.Ходжиев**

201_ йил «_____» ______________

М.Ў.

**Ижодий гуруҳ раиси ва аъзолари**
**Ижодий гуруҳ раиси ва ўринбосари**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижодий гурух раиси** | **Т.Абдрахмонов** | **Биология факультети декани** | |
| **Ижодий гурух раиси ўринбосари** | **Р.Аллабердиев** | **Экология кафедраси мудири** | |

**Ижодий гуруҳ аъзолари**

| Т/р | Ўқув фанлари (курслар)и нинг номи | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
|---|---|---|---|
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | | |
| 2.01 | Экотуризм | Л.Эгамбердиева<br>Б.ф.н., профессор | |
| 2.02 | Биология асослари | М.Рахимов<br>Б.ф.н.доцент | |
| 2.03 | Экология асослари | Р.Аллабердиев<br>доцент, б.ф.н. | |
| 2.04 | Экология ҳуқуқи | А.Турабаев<br>Б.ф.д., доцент | |
| 2.05 | Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муқобил энергия | О.Эшонкулов<br>Катта ўқитувчи | |
| 2.06 | Экологик экспертиза | Ш.Халиллаев<br>Б.ф.н. | |
| 2.07 | Барқарор ривожланиш асослари | Р.Қулматов<br>Профессор, к.ф.д. | |
| 2.08 | Ўсимликлар физиологияси | К.Сафаров<br>Б.ф.д. профессор | |
| 2.09 | Биоэкология | Т.Рахимова<br>профессор, б.ф.д. | |
| 2.10 | Гидроэкология | Р.Аллабердиев<br>б.ф.н., доцент | |
| 2.11 | Экологик мониторинг | Р.Аллабердиев<br>б.ф.н., доцент | |
| 2.12 | Умумий психология ва педагогика | Х.Рухиева<br>доцент | |
| 2.13 | Геоэкология | Н.Кучкаров<br>Катта ўқитувчи | |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | | |
| 3.01 | Иқлим ўзгариши ва экологик мослашув | Д.Ёдгорова<br>доцент, б.ф.н. | |
| 3.02 | Биохилма-хиллик ва унинг муҳофазаси | Д.Азимова<br>доцент, б.ф.н. | |
| 3.03 | Тупроқ ва агроэкология | А.Турабаев<br>б.ф.д., доцент | |
| 3.04 | Шаҳар ва саноат экологияси | Р.Аллабердиев<br>б.ф.н., доцент | |
| 3.05 | Экология фанини ўқитиш методикаси | Д.Ёдгорова<br>доцент, б.ф.н. | |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси мажлисининг**
**- сон баённомасидан**
**КЎЧИРМА**

10 08 **2019 йил.** **Тошкент шаҳри**

**Қатнашдилар:** “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмасининг 27 аъзоси, ЎзМУ таянч бўлган таълим йўналишлари ва мутахассислари бўйича кенгаш котиби Ю.Собирхонова.

**Кун тартиби:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари томонидан хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди:**

1. **Д.Х.Джумабаев – “Математика ва табиий фанлар” ўқув-услубий бирлашмаси раиси.** Ҳурматли мажлис қатнашчилари, кун тартибидаги масала бўйича сўзни бирлашма раисининг муовини доц. Д.А.Талиповга берсак. Марҳамат.
2. **Д.А.Талипов – “Математика ва табиий фанлар” ўқув услубий бирлашма раисининг муовини, доцент.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 5 майдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2959-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида университетда тажрибали профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ аъзолари томонидан қуйидаги 1 та таълим йўналиши бўйича кадрлар истемолчилари талаблари ва хорижий тажрибалар асосида Малака талаблари ва ўқув режаси ишлаб чиқилди:

***Таълим йўналиши:***

1. **5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича)**

Малака талаблари ва ўқув режасига ишлаб чиқариш ва ИТИнинг (ТАИТИ) мутахассислари, кадрлар буюрмачилари ва истеъмолчилари (ЎзРФА Зоология ИТИ), турдош ОТМ (ГулДУ) билан келишув баённомаси олинган.

Сизлардан 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режасини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

**Сўзга чиқдилар:**

1. **Ғ.Эшонқулов - ЎзМУ ЎУБ бошлиғи.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, профессор-ўқитувчиларимиз халқаро тажрибаларни ўрганиб, уларни таҳлил қилиб, Республикамиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболларини, фан, технология ютуқларини ва кадрлар истеъмолчиларининг талабларини инобатга олиб, 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ва унинг негизидаги 1 та магистратура мутахассисликлари бўйича Малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишди. 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки Европа, Америка, Осиё, МДҲ давлатлари қишлоқ хўжалик тизимида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, экосистемалар систематикаси, географияси, классификацияси, таркиби, хоссалари, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ўрганиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги таълим йўналишининг ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, хориж давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Улар олий таълим мутахассисликлари классификаторига мос равишда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, тегишли фанлар бўйича ҳозирги замон талаблари асосидаги талабаларда чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган. Шунинг учун ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режасини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

2. **Л.Қ. Қаршибоева - Гулистон Давлат университети Экология ва география кафедраси мудири.** Ҳурматли бирлашма аъзолари, ЎзМУ профессор-ўқитувчилари томонидан 5630100- Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси қўйилган талабларни ўзида тўлиғича акс эттирган ва меъёр талабларига тўлиқ жавоб беради. Улар олий таълим йўналишлари классификаторига мос равишда экологияда замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган. Биз ижодий ишчи гуруҳ аъзоси сифатида иш жараёнида Малака талаблари, ўқув режа ва малака амалиётлар хусусида ўзимизнинг баъзи фикрларни билдирган эдик, улар ҳозирги ўқув режада ўз аксини топган. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режа замон ва давр талабларига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун ишлаб чиқилган 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича Малака талаблари ва ўқув режасини маъқуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

3. **Б.Р. Холматов – ЎзРФА Зоология институти директори.** ЎзМУ Биология факультети Экология кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналишининг МТ ҳамда ўқув режаси ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ва олий таълим талаблари асосида тузилганлигини, уларда республикамизда экология соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган чуқур ислоҳотлар тўлалигича ўз аксини топганлигини таъкидлади. МТ ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг тайёрланаётган олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжи, уларнинг билим ва кўникмаларига қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, керакли фанларни ўқув режаларига киритилгани ва фанларнинг ўқитиш кетма-кетлиги, ҳажми ва дастурлар мазмуни қўйилган талабларга мослиги айтилди. Шунинг учун муҳокамага қўйилган МТ ҳамда ўқув режасини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш керак, деб ҳисоблайман.

4. **Андижон Давлат университети Экология ва ботаника кафедраси мудири доц. Н.М. Нoралиева** сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналишининг МТ ҳамда ўқув режаси ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори ва ОЎМТВ нинг буйруқлари талабларига мос холда ишлаб чиқилганини таъкидлади. Ўқув режадаги фанлар таркиби ва уларни семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган, илғор хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Голландия, Англия, Чехия, Россия) тажрибалари инобатга олинган, республикадаги турдош ОТМ лари (ГулДУ, ҚарДУ, БухДУ, УрДУ) ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган ташкилот (ЎзРФА ИТИ) билан келишилган замонавий талаблар асосида ёзиб тайёрланганлиги, уларда экология соҳасидаги мамлакатимиз ва хорижда эришилган охирги

ютуқлар ва ислоҳотлар инобатга олинганлиги эътироф этилиб, ишлаб чиқилган МТ ва ўқув режасини тасдиқлаш учун тавсия қилинди.

**5. БухДУ Биология кафедраси мудири доц. Б.Б.Тохиров** – Мазкур Малака талаблардаги бакалаврларга қўйилган талаблар, фанларнинг мазмуни ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Уларда илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари инобатга олинган, республикадаги турдош ОТМ лари ҳамда кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва корхоналар билан келишилган. Таълим йўналиши фанлари, уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб беради. Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига киритилган фанлар малака талаблари мазмунига мос. Умуман, хориж тажрибаси асосида ишлаб чиқилган мазкур Малака талаблари ва ўқув режаси бакалавриат тўғрисида қабул қилинган Низомга тўла мос келади ва уни таълим жараёнига татбиқ этиш мумкин.

**6. Д.Х.Джумабаев - бирлашма раиси, профессор.** Университет профессор-ўқитувчилари томонидан 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим талаблари асосида тайёрланган, уларда Республикамиз экология соҳасида рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар ҳамда ҳалқаро тажрибалар ўз аксини топган деб ўйлайман.

Юқоридаги билдирилган фикрлар ва уларни тақриздан ўтказилганлигини инобатга олиб, қуйидаги МТ ҳамда ўқув режасини ўқув методик бирлашмада кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **Таълим йўналиши:** Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) | 5630100 |

**Йиғилиш қарор қилади:**

1. Турдош ОТМ вакиллари, кадрлар истеъмолчилари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг Малака талаблари ҳамда ўқув режаси маъқуллансин.

2. Таълим соҳасининг бакалавриатура таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМ лари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, тармоқ илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин.

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинганлиги қайд қилинсин.

4. Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режасини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш марказига топширилсин.

**Математика ва табиий фанлар ўқув-услубий бирлашма раиси** — **Д.Джумабаев**

**Ўқув-услубий бирлашма котибаси** — **Ю.Собирхонова**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

**Т А Қ Р И З**

М.Улуғбек номидаги ЎзМУ да 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори хамда ЎзР ОЎМТВ нинг ЎзР ОЎМТВ нинг2018 йил 6 июндаги “Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги №87-02-1322-сонли буйруғи билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил килишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, глобаллашув шароитида ўзига хосликни сақлаш ва жаҳон таълим маконига интеграллаштириш тамойилла-рига амал қилинган. Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалаининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

ЎзР ФА Зоология институти директори Б.Р.Холматов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида
ишлаб чиқилган 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши
бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий
билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган
малака талаблари ва ўқув режасига

# Т А Қ Р И З

М.Улуғбек номидаги ЎзМУда 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналишининг малака талабларини ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон Қарорлари билан тасдиқланган тамойилларга амал қилинган.

5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режасида таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юкламаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёргарлик сифатига қўйиладиган талаблар тўғри кўрсатилган. Таълим йўналишида ўқитиладиган барча блок фанлари тўғри танланган. Таълим олувчиларда ҳориж тажрибаси асосида чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда илғор ҳорижий ОТМ ларининг замонавий услуб ва технологияларига, ўқув машғулотларининг шаклларига ва мустақил билим олишга кенг ўрин берилиши диққатга сазовордир. Малака талаблари ва ўқув режа халқаро стандартларга мос холда тузилган. II ва III блоклар фанларининг мазмунига алоҳида эътибор берилиб, янги фанлар киритилган. Фанлар бўйича соатларни тақсимлашда белгиланган вақт меъёрларига амал қилинган. Фанларни блоклар ва семестрларга жойлаштиришда услубий кетма-кетликка қатъий риоя этилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда кадрлар истеъмолчиларининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган холда сифатли тузилган бўлиб, ўқув жараёнининг меъёрий ҳужжатларини тайёрлаш учун асос бўлиб ҳизмат қилади хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

ЎзР ФА Зоология институти,
Энтомология лабораторияси мудири,
б.ф.н. доцент Г.С.Мирзаева

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган талаблар янгиланган малака талаблари ва ўқув режасига

**Т А Қ Р И З**

"Таълим тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, тайёрланаётган кадрлар сифатининг республикада амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар талабларига, шунингдек таълим, фан, техника ва технологиялар ривожланишининг илғор жаҳон даражасига мувофиқлигини таъминлаш бевосита малака талабларининг мазмунига боғлиқ.

5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида" қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарорлари хамда ЎзР ОЎМТВ нинг2018 йил 6 июндаги “Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги №87-02-1322-сонли буйруғи, олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга хамда ҳориж тажрибаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси ҳориж тажрибаси асосида уйғунлаштирилган, таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касб-кор малакаси шаклланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган, бакалаврларнинг фанларни ўзлаштириш жараёнида тажриба, кўникмалар хамда тасаввурга эга бўлиш, қўйилган талабларни билиши ва улардан самарали фойдалана олиш кабилар тўғри кўрсатилган. Малака талаблари ва ўқув режасида фан олдида турган долзарб муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ечимини излаб топишда замонавий услуб ва технологияларга, дала ва лаборатория амалиётларига, семинар машғулотларига, мустақил билим олиш ҳамда олинган маълумотларни таҳлил килишга кенг ўрин берилган.

Малака талабларидаги блоклар бўйича фанлар таркиби, уларнинг ўзаро нисбатлари битирувчиларнинг танлаган мутахассислиги бўйича олган назарий билимларини амалиётда қўллай олиш кўникмасини кучайтириш нуктаи назаридан қайта кўриб чиқилган. Фанлар учун белгиланган вақт бюджетининг назарий, амалий, тажриба, мустақил ишлар учун тақсимоти битирувчининг назарий билимларини мустаҳкамлаш ва уларни амалиётда муваффақият билан қўллаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган.

Малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқишда турдош олий таълим муассасалаининг талаб ва таклифлари инобатга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тузилган янгиланган малака талаблари ва ўқув режаси олий таълим ўқув жараёнини жаҳон андозалари даражасига етказишга йўналтирилган бўлиб, ҳар томонлама етук мутахассислар тайёрлашга оид масалаларни ўз ичига олган ва сифатли тузилган, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтиради хамда уни тасдиқлашни таклиф қиламан.

ЎзР ФА Зоология институти Антипаразитар
препаратлар лабораторияси мудири, б.ф.н. З.Ахмедова

## “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш

### Бакалавриатурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бошланиши | Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг | Ўрта мактабни битиргандан сўнг |
| 2. | Давомийлиги | 4 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3. | Таълим олувчилар сони | 20-25 | 20 | 20 |
| 4. | Ўтиш жойлари | Таълим муассасаларининг илмий тадқиқот бўлимларида, илмий тадқиқот институтларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг тадқиқот бўлимларида ўтказилади. | Университетга хомийлик қиладиган институтларда | Университет кафедрасида талабаларнинг йўналиши ва илмий тадқиқот мавзуларига тааллуқли бўлган институтларда |
| 5. | Таълим берувчилар | Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассисларни жалб этилади | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонига эга бўлган соҳа мутахассислари ва хорижий мутахассисларни жалб этилади |
| 6. | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудири, бириктирилган бошқа профессор-ўқитувчилар | Факультет раҳбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факултет деканати, кафедра мудирлари. профессор ўқитувчи ўзига беркитилган талабалар билан индивидуаль тарзда фаолият юритади |

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича) малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар, турдош олий таълим муассасалари ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. "15" 08 2019 йил

Биз, қуйида имзо чекувчилар - Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институти директори Б.Р.Холматов, Гулистон Давлат университети ректори М.Т.Ходжиев, Ўзбекистон Миллий университети ректори проф. А.Р.Марахимов билан биргаликда ЎзМУда ишлаб чиқилган қуйидаги бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаси мазмуни билан танишиб чиқиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. **5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси бакалавриат таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича).**

Малака талаблари ҳамда ўқув режани ишлаб чиқилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровлиислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, 2019 йил 17 июндаги "2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон Қарорларига ҳамда олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар, шунингдек, халқаро талабларга асосланган.

Мазкур малака талаблари ва ўқув режаларининг ишлаб чиқилишида асосий кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар ҳам инобатга олинган.

Таълим йўналиши бўйича малака талаблари ўқув режа ва фан дастурлари хамда бошқа хужжатларни яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режани ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этиш мумкин.

| | |
|---|---|
| **ЎзР ФА Зоология институти директори** | **Б.Р. Холматов** |
| **Гулистон Давлат университети ректори** | **М.Т.Ходжиев** |
| **Ўзбекистон Миллий университети ректори, профессор** | **А.Р. Марахимов** |

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассисислиги) битирувчнлари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

| Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) | | Таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг бакалавр мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари |
|---|---|---|
| **шифри** | **номи** | |
| **5630100** | **Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** | • дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;<br>• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;<br>• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;<br>• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;<br>• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;<br>• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;<br>• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;<br>• соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.<br>• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;<br>• тегишлибакалавриатйўналишидоирасидатанланганмутахассисликбўйичамагистратурадаолийтаълимнидавомэттиришга;<br>• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар. |

**ЎзР ФА Зоология институти директори** **Б.Р. Холматов**

Илова

**5630100 – Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т.р. | Фанлар блоклари ва блокларининг номлари | Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар** | **1531** |
| 1.01 | Ўзбекистон тарихи | 78 |
| 1.02 | Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти | 78 |
| 1.03 | Фалсафа | 128 |
| 1.04 | Диншунослик | 64 |
| 1.05 | Ўзбек (рус) тили | 150 |
| 1.06 | Хорижий тил | 259 |
| 1.07 | Жисмоний тарбия ва спорт* | 128 |
| 1.08 | Олий математика | 136 |
| 1.09 | Информатика ва замонавий ахборот технологиялари | 68 |
| 1.10 | Умумий кимё | 238 |
| 1.11 | Умумий физика | 136 |
| 1.12 | Биогеография | 68 |
| **2.00** | **Умумкасбий фанлар** | **2766** |
| 2.01 | Экотуризм | 68 |
| 2.02 | Биология асослари | 408 |
| 2.03 | Экология асослари | 170 |
| 2.04 | Экология ҳуқуқи | 136 |
| 2.05 | Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муқобил энергия | 196 |
| 2.06 | Экологик экспертиза | 68 |
| 2.07 | Барқарор ривожланиш асослари | 180 |
| 2.08 | Ўсимликлар физиологияси | 180 |
| 2.09 | Биоэкология | 442 |
| 2.10 | Гидроэкология | 120 |
| 2.11 | Экологик мониторинг | 120 |
| 2.12 | Умумий психология ва педагогика | 256 |
| 2.13 | Геоэкология | 120 |
| | *Танлов фанлари* | *302* |
| **3.00** | **Ихтисослик фанлари** | **1464** |
| 3.01 | Иқлим ўзгариши ва экологик мослашув | 140 |
| 3.02 | Биохилма-хиллик ва унинг муҳофазаси | 272 |
| 3.03 | Тупроқ ва агроэкология | 340 |
| 3.04 | Шаҳар ва саноат экологияси | 204 |
| 3.05 | Экология фанини ўқитиш методикаси | 68 |
| | *Танлов фанлар* | *440* |
| **4.00** | **Қўшимча фанлар** | **395** |
| 4.01 | Ёш физиологияси ва гигиена | 60 |
| | **Жами** | **6156** |
| | **Малакавий ва педагогик амалиётлар** | **1404** |
| | **Якуний давлат аттестацияси** | **324** |
| | **Аттестация** | **1188** |
| | **Жами** | **2916** |
| | **Ҳаммаси** | **9072** |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Д. Х. Джумабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI * MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI *

**5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавр таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқарувчи**

**Ишчи гуруҳ таркиби**

| Т/р | Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | Аллабердиев Р.Х. | ЎзМУ Экология кафедраси мудири, биология фанлари номзоди | |
| | Аъзолари: | | |
| 2 | Рахимова Т.У. | ЎзМУ Экология кафедраси профессори, ЎзМУ Экология кафедраси профессори, биология фанлари доктори | |
| 3 | Қулматов Р.А. | ЎзМУ Экология кафедраси профессори, кимё фанлари доктори | |
| 4 | Эгамбердиева Л.Ш. | ЎзМУ Экология кафедраси профессори, биология фанлари номзоди | |
| 5 | Ёдгорова Д. Ш. | ЎзМУ Экология кафедраси доценти, биология фанлари номзоди | |
| 6 | Атабаева Н. К. | ЎзМУ Экология кафедраси доценти, биология фанлари номзоди | |
| 7 | Турабаев А.Н. | ЎзМУ Экология кафедраси доценти, биология фанлари доктори | |
| 8 | Азимова Д.О. | ЎзМУ Экология кафедраси доценти, биология фанлари номзоди | |

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Д. Х. Джумабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI * MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI *

**5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши малака талабларини халқаро тажрибалар билан қиёсий таққослаш тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар**

Европа ва АҚШ таълим системаси кредит тизимига асосланган, ҳар бир фан бўйича белгиланган кредит бали мавжуд 1 кредитдан 4 кредит баллгача.

Талаба ҳохлаган вақтда ушбу фан ўқитувчи томонидан ўтилаётганига қараб дарсга қатнашиши мумкин. Белгиланган дарс соати тугагач ўрнатилган тартибда имтиҳон топшириб белгиланган кредит баллини олади. Кейинчалик ана шу кредит баллари етарли бўлса 3,5 йилдан 5-6 йилгача муддатда бакалавр йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиши мумкин.

Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафақат Ўзбекистон Республикаси балки бошқа Европа, Америка, Осиё, МДҲ давлатлари экология ва атроф муҳит муҳофазаси тизимида ҳам доимий изланишни, таҳлил қилишни ва ривожлантиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишининг малака талаби жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича малака талаби Германия, Жанубий Корея Республикаси давлатлари малака талаблари билан таққосланган ҳолда тузилди.

**Ўқув ишлари бўйича проректор** **Д.Джумабаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

## Бакалавриатурада таълим жараёнинг таркиби

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси бакалавриатура | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Назарий таълим | Кафедрадаги ўқитувчилар томонидан назарий билимлар талабаларга берилади | Асосан талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига киради. | Асосий кисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади. |
| 2. | Амалий таълим | Таълим муассасасида | Университет кафедралари қошидаги махсус лабоаторияларда | Таълим муассасасида ва Университет кафедралари қошидаги махсус лабоаторияларда Университет кафедралари қошидаги махсус лабоаторияларда |
| 3. | Илмий – тадқиқот ишлари | Бакалавриатурада таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан кафедра шароитида амалга оширади. Кафедра ёки бошқа кафедра прфессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халкаро илмий анжуманларда иштрок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар. | Илмий иш бўйича кафедра ёки ўзининг мавзуси бўйича бошқа мутахассис билан турли институтларда оширилади. Бакалавриатурада ўқиш жараёнида илмий раҳбар танланади. | Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида, илмий дастурлар доирасида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Илмий иш давомида рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштрок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин. |
| 4. | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа таълим муассасаларида яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошқа) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Талабалар турли мавзуларда мустақил изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-ўқитувчиларга тақдим этадилар (мақола,тақдимот) | Талабалар мустақил таълимда журналларга камида 2-3 мақола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5. | Таълим жараёнида баҳолаш | Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадкикот ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатура рейтинг тизими асосида жорий, оралик , якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, ёзма, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машғулотлари орқали кредит йиғиб борадилар. | Талабаларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралик тест саволлари оркали, билимларни даврий оғзаки кўринишда текшириш, цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. |

## Бакалавриатурада таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

| Ўзбекистон Республикаси | Муддати | Жанубий Корея | Муддати | Германия | Муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. Геоэкология | 1семестр | Geoecology | 4 ой | Geoecology | 6 ой |
| 2. Экология асослари | 1семестр | Ecology | 6 ой | Ecology | 6 ой |
| 3. Биоэкология | 2семестр | Bioecology | 2семестр | Bioecology | 2семестр |

**Изох:** Экология бакалавр таълим йўналиши экологик муаммолар юзасидан, бирламчи манбаларга суянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадкикотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, Республикамизда экология соҳасида олиб борилаётган ишлар юзасидан таълим йўналиши малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос ҳусусиятлари билан ажралиб туради.

**5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

# ТУШУНТИРИШ ХАТИ

5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори;

Ўзбекистон Република Президентининг 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли Қарори;

Ўзбекистон Република Президентининг 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019–2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4358-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-4359-сон Қарори.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабининг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

5630100-Экология ва атроф муҳит муҳофазаси таълим йўналиши (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Ўзбекистон Миллий университети**
**ўқув ишлари бўйича проректори** **Д.Х.Джумабаев**